

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАНИЕВА ОРЗИГУЛ ХАЙРИДИНОВНА

ЖОН СТЕЙНБЕК ҲАМДА ОДИЛ ЁҚУБОВ АСАРЛАРИДА
ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Ганиева Орзигул Хайридиновна

Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёкубов асарларида инсон ва жамият
муносабатларининг тасвирланиши..... 5

Ганиева Орзигул Хайридиновна

Описание взаимоотношений человека и общества в произведениях Джона
Стейнбека и Адыла Якубова 25

Ganieva Orzigul Khayridinovna

Description of the relationship between a person and society in the works of John
Steinbeck and Adil Yakubov 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 52

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАНИЕВА ОРЗИГУЛ ХАЙРИДИНОВНА

ЖОН СТЕЙНБЕК ҲАМДА ОДИЛ ЁҚУБОВ АСАРЛАРИДА
ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.1.PhD/Fil1135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакаева Муҳаббат Каюмовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Аҳмедов Ойбек Сапарбаевич
филология фанлари доктори, профессор

Ражабов Дилшод Зарипович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (105 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил «06» декабрь кuni тарқатилди.
(2021 йил «06» декабрь даги 21-012 - рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида инсон ва жамият муносабати, улар орасидаги ижтимоий-руҳий боғлиқликлар, зиддиятлар тасвири реалистик руҳдаги асарлар яратиш имкониятларини кенгайтирганлиги сабабли азалдан айрича қизиқиш уйғотиб келмоқда. Бадиий дискурс таъминотида поэтик ва интертекстуаллик тамойилларининг устуворлигини, воқеа-ҳодисалар мантиқий занжирини таркиб топтиришда асар яратилган давр ва шароит вужудга келтирган омилларни, турли қитъа ижодиёт вакилларининг асарларини инсон ва жамият муносабатлари ракурсида кузатиш, шахснинг такомилли ёки таназзулидаги ижтимоий иллатларни ёритишнинг ижтимоий-психологик қирраларини текшириш жамиятнинг маданий тараққиётини, бадиий-адабий тафаккурини, маънавий-ахлоқий негизларини, умуминсоний қадриятларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида шеърӣ, насрий, драматик турдаги асарлар табиати ва имкониятидан келиб чиқиб, бадиий ижод жараёнининг турфа даврий босқичларида инсон ва жамият муносабати кенг кўламли тадқиқотларда атрофлича таҳлил этилган. Инсон ва жамият ўзаро таъсири гавдалантирилган XX аср АҚШ ҳамда ўзбек реалистик насридаги ҳаёт материалининг, тасвир услубий муштарақликлари асосий омилларининг реал талқинини таъминлаш, икки ижтимоий муҳит вакиллари – Жон Стейнбек ва Одил Ёкубов ижод услубининг поэтик тараққиёт хусусиятларини, уларда қаҳрамонларнинг ички характер динамикасини кузатиш, образ танлаш ва уни тасвирлаш маҳоратидаги идеографик белгиларни ёритиш қиёсий адабиётшунослик соҳасининг илмий талқин доирасини кенгайтириш, тарихий асарларда бадиий замон концепциясини шакллантириш имконини беради.

Мамлакатимизда юксак эътибор билан кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляётган босқичда барча соҳалар каби қиёсий адабиётшунослик ҳам ўз олдиға жаҳон стандартларига мос салмоқли тадқиқотлар яратиш вазифасини кўйди. “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушуниш¹” ҳар биримизнинг кундалик шиоримизға айланмоғи даркор. Чунки шахс тафаккурини ўстирмасдан, унинг маънавий дунёқарашини бойитмасдан туриб, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий жабҳалардаги вазифаларни бажариш, миллий мафқурани тўла-тўқис яратиш мумкин эмас. Маънавий мерос замонлар ўтиши билан кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етакляйди. Гарчи турли миллат вакиллари бўлса-да, америкалик ва ўзбек китобхонларининг

¹ Мирзиёев Ш.Ш. “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир”. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маъруза// Халқ сўзи. 2021 йил, 19 январь.

маънавий меросига айланиб улгурган Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов асарларини инсон ва жамият муносабатлари тасвири жиҳатидан қиёсий таҳлилга тортиш жаҳон адабий-илмий жамоатчилигини хабардор этиш йўлида долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жон Стейнбек ижоди долзарблиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги боис ҳозирги кунга қадар жаҳон адабий танқидчилигида кенг ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.² Ёзувчининг асарлари ўнлаб тилларга таржима қилиниб, чоп эттирилган бўлса, мазкур юртда ёзувчининг асарлари талқини ва тадқиқига бағишланган илмий ишлар яратилган. Зеро, кенг китобхонлар оммаси адиб асарларини ўз дунёқараши ва фикри билан ўқиб ўрганаётганлиги эътиборни тортади. Дейлик, Ж.Бэнсон³ ва У.Френч⁴ адиб ижодини анча изчил ўрганган мунаққидлар сифатида бир қатор рисола ва мақолаларида ёзувчи асарларининг бадиий хусусиятлари, образларининг ўзига хослиги хусусида

²Salazar M. John Steinbeck's Phalanx Theory.

https://www.researchgate.net/publication/49617720_John_steinbeck's_phalanx_theory_John_steinbeck's_phalanx_theory; K.Sreenivasan. The Novels of John Steinbeck: a study of his image of man. Thesis submitted for PhD. – I.: The University of Kerala, 1977. – P.321; Shakil R. Steinbeck's Portrayal of American Family in the “Grapes of Wrath”. The New Frontier: International Journal of Humanities and Social Sciences, 2018. Issue 4; Shakil R. (2018) Unveiling Multiple Themes and Concerns: A reading of John Steinbeck's Of Mice and Men. International Journal of Research in Humanities, Arts and Literature. Vol. 6, Issue 9, Sep 2018. – P.51-58.

³Jackson J.Benson. John Steinbeck's Cannery row: A Reconsideration. - Western American Literature, 1977. Vol. 12, No.1. – P. 11-40; The Short novels of John Steinbeck : critical essays with a checklist to Steinbeck criticism. – USA.: Durham University Press, 1990. – P. 364.

⁴ French, Warren G. John Steinbeck. 1902-1968. Criticism and Interpretation. – USA: G. K. Hall & Co, 1975. – P.200; John Steinbeck's Fiction Revisited. – USA.: Twayne Publishers, 1994. – P. 192.

маълум хулосага кела олди. Шунингдек, К.Д.Жонсон, П.Б. Хай, Д.Мак Артур, С.Буркед, Л.Оуэнс ва Э.Лофтис сингари америкалик адабиётшунослар⁵ Жон Стейнбек асарларида инсон индивидуал эмас, жамоа бўлиб тасвирланишини таъкидлашди.

Рус адабиётшунослигида ёзувчи ижодини ўрганиш ва таҳлил қилиш борасида амалга оширилган тадқиқотларнинг илмий натижалари Я.Засурский, М.Мендельсон, А.Мулярчик, С.Батурин, Л.Андреев, Н.Шакирова, О.Осьмухина каби адабиётшуносларнинг⁶ изланишларида намоён бўлди.

Одил Ёқубов ўзининг бетакрор қиссалари, тарихий-психологик, тарихий-фалсафий, замонавий полифоник романлари билан ўзбек романчилигини янги поғонага кўтарди. Минтақавий адабий танқидчиликда муаллиф асарларига муносиб эътибор қаратилгани турк мунаққидлари⁷ тадқиқотларида ҳам яққол кузатилади.

Ўзбек адабиётшунослигида адиб асарларининг поэтик хусусиятлари, полифоник романларида мазмун ва шакл мутаносиблиги сингари ўзига хосликлари М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, И.Ёқубов, А.Носиров, Ғ.Муродов, А.Холмуродов, А.Жўраев, З.Раҳимов, Ш.Иброҳимова, Х.Хамракулова, Б.Тўраева⁸ ларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

⁵ Johnson, Claudia Durst. Understanding Of Mice and Men, The Red Pony, and The Pearl: a student casebook to issues, sources, and historical documents. – Conn.: Greenwood Press, 1997. – P.240; High, Peter B. An Outline of American Literature. – USA: Longman, 2000. – P. 256; McArthur, Debra. John Steinbeck: The Grapes of Wrath and Of Mice and Men. – NY.: Marshall Cavendish Benchmark, 2009. – P152; Burkhead, Cynthia. Student Companion to John Steinbeck. – L.: Greenwood Press, 2002. – P.200.; Noble D. Critical Insights. John Steinbeck. – MA.: Salem Press, 2011. – P.414; Loftis Anne. Witnesses to the struggle: imaging the 1930's California labor movement. – Nev.: University of Nevada Press, 1998. – P. 264.

⁶ Засурский Я. Американская литература XX века. – М.: Издательство М.У., 1985. – С 504.; Мендельсон М. Современный американский роман. – М.: Наука, 1964. – С. 532.; Мулярчик А. Современный реалистический роман США. (1945-1980). – М.: Высшая школа, 1988. – С. 174.; Батурин С. Джон Стейнбек и традиции Американской литературы. – М.: Художественная литература, 1984. – С. 351.; Андреев Л.Г. Зарубежная литература XX века. – М.: Высшая школа, 2004. – С. 559.; Осьмухина О. Проблема человека в романах Дж.Стейнбека “Гроздь гнева” и “Зима тревоги нашей”. Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2018. № 3(81). Ч. 1. С. 45-49.; Шакирова Н. Художественное функционирование “Теории группы” в творчестве Д.Стейнбека 1930-х гг. дисс. ... к. филол. н.автореф. – У., 2006. – С. 24.

⁷Nagashbekova V. Love and Russification in the novel “Mukaddas” by Adil Yakubov. – The Journal of International Social Research. Volume: 10 Issue: 53. – P. 121-128 <http://dx.doi.org/10.17719/jisr.20175334105> ; Batur A. Üstat Adil Yakubov'un anisina. <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/memuarlar/dr-ahsen-batur-ustat-adil-yakubovun-anisina.html>

⁸Кўшжонов М. Сайланма.1-жилд. Адабий портретлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – В. 384; Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – В.189; Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007. – В.352; Ёқубов И. Ўзбек романинг маънавий-руҳий асослари. – Шарқ юлдузи, 2011. – 4-сон. – Б. 109-112; Носиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Т., 2018. – В.70; Муродов Ғ. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. автореф. – Т., 2018. – Б.80; Холмуродов А. Одил Ёқубов романларида психологизм: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т.: 1991. – Б. 53; Жўраев А. Одил Ёқубов хазиначидан. – Т., Ўзбекистон, 2017. – В.184; Раҳимов З. Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романи поэтикаси: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2000. – Б. 25; Иброҳимова Ш. Одил Ёқубов романларидаги миллийликнинг туркча таржималарда акс этиши: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2010. – Б. 25; Хамракулова Х. XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Т., 2018. – В.65; Тўраева Б. Тарихий романларда бадиий замон муаммоси. (О.Ёқубов ва П.Қодиров романлари мисолида): Филол. фан. б. фал. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Т., 2018. – В.47.

Адабий компаративистикада Д.Дюришин адабий таъсирнинг моҳияти, В.М.Жирмунский Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари, А.Қосимов, А.Ҳамроқулов, С.Хўжаев адабиётлар қиёси, Г.Халлиеванинг адабий ҳодисаларнинг муштарак ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш аҳамияти доир тадқиқотларида кўриш мумкин⁹.

Ушбу тадқиқотда Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубовнинг қисса, роман каби насрий асарларида инсон ва жамият муносабатларининг тасвирланиши, қаҳрамонларнинг характер сифатида шаклланишида ижтимоий фикрнинг таъсири, адибларнинг тасвирдаги ҳамоҳанг ва фарқли услуби, ижодкорларнинг инсон кечинмаларини ифодалашда бадиий маҳорати каби масалалар илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан қиёсий ўрганилиши кўзда тутилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ғарбу Шарқ адабиётида адабий анъаналар синтези” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубовнинг роман ва қиссалари асосида XX аср Америка ва ўзбек реалистик насрида инсон ва жамият муносабатлари ёритилишининг поэтик тамойиллари, ижтимоий-психологик омиллари, бадиий-услубий талқин хусусиятлари, ёзувчиларнинг маҳорати, қаҳрамонлар тасвири билан боғлиқ муштарак ва ўзига хос жиҳатларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Америка ва ўзбек адабиётшунослигида Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубов ижоди бўйича илмий изланишларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёт хусусиятларини назарий-методологик жиҳатдан асослаш;

XX аср АҚШ ҳамда ўзбек реалистик насрида ҳаёт материалининг реал талқини, инсон ва жамият муносабатлари тасвирида америкалик ва ўзбек носирларининг услубига хос яқин ва фарқли белгилар борлигини кўрсатиш;

Жон Стейнбек билан Одил Ёқубов қисса ва романларида инсон ва жамият муносабатлари талқини ижтимоий-психологик асосларига кўра фарқли ифода этилганини далиллаш;

Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов қиссалари мазмун мундарижаси ва бадиий қурилишидаги типологик жиҳатларни очиб бериш;

ҳар иккала адиб қиссаларида инсон тақдирига жамият ҳаёти ва мафқурасининг таъсири ёритилиши билан боғлиқ поэтик тамойиллар муштараклигини аниқлаш;

Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов романларида қаҳрамон характер-хусусиятлари динамикасига, хулқ-атворида жамият ҳаёти таъсирининг тасвирланганлигини очиб бериш;

⁹Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979. – С.318; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – С.490; Қосимов А., Ҳамроқулов А, Хўжаев С. Қиёсий адабиётшунослик. – Т.: Баркамол Файз Медиа, 2019. – Б.15.; Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. –Т.: Академнашр, 2020. – Б.158.

Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов романларидаги ривоя услубининг ўзига хослиги, бадиий образ танлаш ва уни тасвирлаш маҳоратидаги типологик ва индивидуал белгиларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида америкалик адиб Жон Стейнбекнинг “The Pearl”, “Of Mice and Men”, “Cannery Row” қиссалари, “The Grapes of Wrath”, “East of Eden”, “The Winter of Our Discontent” романлари ҳамда ўзбек ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Муқаддас”, “Биллур қандиллар”, “Қанот жуфт бўлади” қиссалари, “Диёнат”, “Оққушлар, оппоқ қушлар”, “Адолат манзили” романлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов асарларида инсон ҳамда жамият муносабатларининг тасвири ва талқини билан боғлиқ бадиий хусусиятлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида биографик, тавсифлаш, когнитив-дискурсив, бадиий-психологик каби таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳар иккала муаллиф ижоди бадиий концепциясининг муштарак жиҳати *бахт, бойлик, келажакка умид, муҳаббат, дўстлик, садоқат, диёнат, сабр, матонат, адолат, ирода, ҳалоллик, поклик* каби ижобий мотивлар, *ҳасад, коррупция, қайғу, сотқинлик, хиёнат, лоқайдлик* каби салбий мавзуларнинг қиёсланган асарлар марказий чизигини ташкил этишида намоён бўлиши исботланган;

шаклий-услубий йўналиш нуқтаи назаридан Жон Стейнбек ижодида оддий халқ тақдирига бефарқ бўлмаслик, “табиий инсон” (“natural person”) концептини қаҳрамонларда мужассам этиш тамойилининг етакчилигида намоён бўладиган натурализм анъаналарининг, Одил Ёқубов ижодида лирик-романтик ва изчил реалистик услубнинг кесишувида воқеланган кўповозли (полифоник) тасвир элементларининг устуворлиги далилланган;

Жон Стейнбек ижодий даврининг *юксалиши, кульминация* ва *пасайиши* босқичлари реал замон ва макон универсуми (борлиғи) да ижтимоий-сиёсий ҳолат, ёзувчи шахсий дунёқарашидаги фитрий ва моҳиятан ўзгаришлар каби омиллар таъсирида асарларда тасвирланган кўрқув, очлик, зўравонлик, табиат офатлари, иқтисодий инқироз, унинг оқибатларини ифодалаш орқали шартланиши асосланган;

Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов асарларида инсон ва жамият муносабатлариаро зиддият *ички руҳий конфликт* (қаҳрамон қалбидаги курашлар, ҳиссиётлар тўқнашуви), *ижтимоий конфликт* (турли гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар), *оилавий конфликт* (оила аъзолари ўртасидаги можаролар), *шахсий-интим конфликт* (шахс ва бошқалар манфаати ўртасидаги кураш) категорияларида намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср Америка адабиёти ва ўзбек реалистик насрида яратилган эпик турга мансуб роман, қисса жанридаги асарларнинг бадиий-композицион, лингвопоэтик хусусиятларини очишда Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов прозасининг бадиий қиймати далилланган;

адабиётшуносликда инсон ва жамият муносабатлари тасвирланган насрий асарларнинг поэтик хусусиятлари, бадиий-эстетик вазифаларини турли тизимли тилларда яратилган асарлар мисолида қиёсий далиллаш адабиётшунослик назарияси, жаҳон адабиёти, қиёсий адабиётшунослик каби фанлардан яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

адибларнинг асарларини ҳаётийлик, ҳаққонийлик, даврнинг ўткир ижтимоий, маънавий-маърифий масалаларини дадил ўртага қўйиши, инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатнинг янги қирраларини оча олгани, кескин драматизми, теран гуманизми бугунги кунда миллат келажаги – ёшларнинг маънавиятини бойитишда, ўзлигини англаши ва атрофидаги инсонларни теранроқ тушунишида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мавзуси бўйича чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, амалга оширилган таҳлилларнинг биографик, тавсифлаш, қиёсий таҳлил, когнитив-дискурсив, бадиий таҳлил методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр, хулоса, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қиёсий адабиётшунослик соҳасида мавжуд муаммоларни тадқиқ қилиш, унинг асосий таҳлилий хулосаларидан Америка адабиётида инсон ва жамият муносабатлари ифодасига асосланган асарлар поэтикаси ҳақидаги тасаввурларни мукамаллаштириш, XX аср Америка насрининг миллий-маданий хусусиятларини тўлақонли ўрганиш, уларнинг ўзбек адабиётшунослигига таъсирини аниқлаш ҳамда америкалик носирлар яратган асарларнинг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда, улар орасидаги мазмуний-услубий муштараклик ҳолатларини аниқлаш имконини бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация фактик материаллари ва илмий хулосаларидан бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун “Адабиётшунослик назарияси”, “Жаҳон адабиёти“, “Стилистика” ўқув курслари, ўрта таълим “Адабиёт” ўқув предмети бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришда, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажаришда, Америка адабиёти тарихидан махсус курслар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубов асарлари поэтик хусусиятлари, инсон ва жамият муносабатлари тасвирланишида муаллифлар маҳоратини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубов асарларининг бадиий хусусиятлари асар воқеаларининг ижтимоий-ҳаётий, психологик асослари, инсон тақдирида жамиятнинг ўрни ва роли тасвирига хос муштарак ҳамда фарқли

жиҳатлар, асарларда инсон ва жамият муносабати талқини ва тасвирига алоқадор поэтика масалаларига доир хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919А-1-118 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Навоий давлат педагогика институтининг 2021 йил 25 августдаги 88872680/04-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида қиёсланган асарларда инсон ва жамият муносабатлариаро зиддият турли конфликт категорияларида намоён бўлиши ҳамда уларнинг фалсафий-мифологик хусусиятларига доир поэтик масалалари такомиллаштирилган;

XX аср Америка ҳамда ўзбек адабиётида тасвирланган жамиятнинг ижтимоий-ахлоқий муаммолари, анъаналари ва уларнинг ривожланиши, Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубов асарларида инсон, унинг руҳий кечинмалари, ички дунёсининг асосий омиллари ва қаҳрамонларнинг характери шаклланишида жамиятнинг ролини тасвирлаш билан боғлиқ хулосалардан SUZ800-14-GR064 рақамли “Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари” (“The problems of poetic translation from American and English literature into Uzbek and comparative versification”) мавзусидаги грант лойиҳасида фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 25 майдаги 05-01-0057-сон маълумотномаси). Натижада ғоя ва объектив мазмуннинг қаҳрамон характерида мужассамланишига, қиёсий таҳлил ва услубий таржима методлари ёрдамида инглиз, америка миллий шеърӣлариғагина хос бўлган поэтик турларнинг ўзбек тилида қайта яратилиши йўллари асосланишига эришилган;

Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубов қисса ва романларида инсон, унинг жамиятга муносабати, ижтимоий иллатларнинг инсон тақдирига салбий таъсири, икки миллат ижодкорларининг инсон характери шаклланишида жамият таъсирини ифодалашидаги муштараклик бўйича илгари сурилган ғояларнинг асосланишига доир хулосалардан Лал Баҳадур Шастри номидаги ҳинд маданият марказида “Typological similarities of the works “The Pearl” and “Mukaddas” (“Sacred”)” мавзуида қилинган маърузада фойдаланилган (Ҳиндистон элчихонаси Лал Баҳадур Шастри номидаги ҳинд маданият марказининг 2020 йил 2 мартдаги 38/314-сон маълумотномаси). Натижада марказ мутахассисларининг инглиз ва ўзбек тилларида яратилган асарлар бадий хусусиятлари ҳақидаги билимлар базасини янада кенгайтиришга асос бўлиб хизмат қилган;

Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубовнинг асарларида инсон ва жамият орасидаги зиддиятлар, қаҳрамонларнинг жамиятга сингишдаги муаммолари, оқибатда вужудга келадиган ёлғизлик, қалб кемтиклиги, инсонийликнинг емирилиши, худбинликнинг авж олиши каби масалаларнинг ифода этилиши билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” каби туркум кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 7 сентябрдаги 1/219-сон

маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, уларнинг ҳозирги кунда инсон ва жамият муносабатларидаги мунозарали жараённинг америка ва ўзбек адабиётидаги бадиий талқинига хос хусусиятлар ҳақидаги илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“XX аср Америка ва ўзбек реалистик насрида инсон ва жамият муносабатлари ёритилишининг назарий тамойиллари”** деб номланган бўлиб, “XX аср АҚШ реалистик адабиётида инсон ва жамият муносабатлари ифодасининг ижтимоий-психологик асослари”, “XX аср ўзбек насрида ижтимоий муносабатлар ифодаси”, “Жон Стейнбек асарлари жаҳон адабиётшунослари талқинида”, “Адабий танқид ва Одил Ёқубов насри” номли тўрт фаслдан таркиб топган. Мазкур боб XX аср Америка ва ўзбек реалистик насри, унинг тараққиёт босқичлари, ўзига хослиги, етук намояндалари ҳамда уларнинг давр адабиёти ривожига қўшган салмоқли ҳиссасига бағишланган бўлиб, асосан насрнинг ҳикоя, қисса ва роман жанрларида ёзилган асарларда инсон ва жамият муносабатларининг талқин ва тасвир этилиши ўрганилди. Ёзувчилар Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов ижоди шу давр адабиётига тааллуқли бўлгани боис инсон ва жамият муносабатлари тасвири замондошлари ижоди мисолида таҳлил қилинган.

XX аср АҚШ реалистик адабиёти ўзгача ва бетакрорлиги билан ажралиб турди. Унинг бу ўзига хослигини даврнинг бой воқеалари таъминлаб берди. Неоромантизм, натурализм ҳамда реализм бадиий методлари асносида

яратилган асарларда жамият иллатлари, инсон кечинмалари, Америка орзусига муаллифларнинг муносабатлари акс эттирилди. Роберт Карлсен сингари адабиётшунослар АҚШ адабиёти ривожига ҳамда ёзувчилар ижодини хронологик тартибда таҳлил қилиб, реализм ва натурализм ҳақида фикр билдиришди¹⁰. Реалистлар ҳаётда идеал ва мукаммаликка талпинишмади, ҳатто унинг мавжудлигини рад этишди. Реалист ёзувчилар, асосан, айна вақтда аниқ жойда мавжуд ҳаққоний инсонларнинг ижтимоий муаммолари билан қизиқишди ва уларни асарларида ёритишди. Улар танлаган макон оддий, қаҳрамонлар содда, асосий мақсад ҳаётни борича тасвирлашдан иборат. Жараённинг кўзга кўринган реалист ёзувчилари сифатида Марк Твен, Уильям Дин Ҳоуэллс, Ҳенри Жеймс, Мэри Уилкинс Фримэн, Ҳамлин Гарленд, Амброз Бирс ва Стефен Крейни санаб ўтиш мумкин.

XX аср 20-30-йилларида АҚШ реалистик адабиёти ривожига юқори нуқталарга етгани боис бу икки ўн йиллик иккинчи уйғониш даври деб аталди¹¹. Бу жараёнда яратилган асарлар ижтимоий муаммоларнинг кескин ёритилиши, миллий рух, халқ дарди ва жамиятдаги адолатсизликка қаратилган ғояга эгаллиги билан аҳамиятлидир. Халқ оммаси ошишининг Америка адабиётига таъсири жуда сермахсул кечди. Синклер Льюис, Жон Стейнбек, Жон Дос Пассос сингари ёзувчиларни оддий инсон турмуши ва жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар тақдирига бўлган безовталиқ ҳисси бирлаштирди¹². Синклер Льюис касбий умумийликка эга гуруҳлар ҳаётини ўзининг “*Arrowsmith*” романида (шифокорлар), “*Babbitt*” асарида (маҳаллий тадбиркорлар) ёритди. Жон Стейнбекнинг “*The Grapes of Wrath*” романида оилалар тақдирини бош мавзуга айланган бўлса, Дос Пассос “*U.S.A.*” трилогиясида ўн битта асосий қаҳрамонлар орқали шаҳарлик жамоалар қисматини тасвирлади. Бу давр носирлари, асосан, ижтимоий огоҳлантирувчи романлар яратишди.

XX аср ўзбек реалистик адабиёти ҳам муваффақиятли ва мазмунли бўлганини яратилган насрий асарларнинг савиясида кузатиш мумкин. Айниқса, ўзбек қиссачилиги ҳамда романчилиги Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов сингари ижодкорлар мактаби асосида ривож топди.

Н.Каримов таъкидлаганидек, XX аср ўзбек адабиёти халқ ва жамият ҳаёти билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Бундай алоқа адабиётимизнинг аввалги босқичларида бўлмаган. XX аср ўзбек адабиёти халқ ва жамиятни ўз ортидан етаклаб, уларни хуррият ва миллий тараққиёт манзилларига олиб боришга интилди ва бу интилишда муайян ютуқларга эришди¹³. Янги ўзбек адабиёти воқеликни реал кўрсатиш орқали инсонларни эзгулик руҳида, ватанпарвар, халқпарвар, меҳнатсевар, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш, уларга эстетик завқ беришга ҳаракат қилди. Халқ ҳаётига бу қадар чуқур

¹⁰ Carlsen, G. Robert. American literature, a chronological approach. – USA: Treasury, 1985. – P. 358.

¹¹ Засурский Я.Н. Американская литература XX века. – М.: МГУ, 1984. – С.4.

¹² VanSpankeren Kathryn. Outline of American Literature. – USA: The US Department of State, 1994. – P. 72.

¹³ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. - Т.: Ўзбекистон, 2008. Б. 2.

сингиб бориш, кундалик турмуш ҳодисаларига яқинлашиш реализмнинг қарор топишини таъмин этишда муҳим аҳамият касб этди.

Энг аҳамиятлиси, XX аср ўзбек адабиётида реализм узил-кесил қарор топди, замонавий жаҳон реалистик адабиётининг дурдоналари билан тенглаша оладиган ҳикоя, қисса, роман, драма ва шеърӣ асарлар пайдо бўлди. Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида XX аср адабиёти алоҳида ўрин эгаллади ва ҳақли равишда “Олтин аср” деб аталди¹⁴. Чунки бу асрда Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом сингари буюк шоир ва ёзувчилар етишиб чиқдиларки, уларнинг ижодий изланишлари ва меҳнатлари туфайли ўзбек адабиёти жаҳон адабий жараёнининг таркибий қисмига айланди.

Мунаққидларимиз эътироф этишича, бу даврда насримиздаги шаклий-услубий изланишлар кўзга янада очикроқ ташланади¹⁵. Янги реалистик насримизнинг илк қадамларидаёқ намоён бўла бошлаган икки етакчи услубий йўналиш – лирик-романтик ва изчил реалистик услуб муайян оқим даражасига етди, ҳар иккала услубнинг имкониятлари кенгроқ очилди. Айни пайтда, рамзий мушоҳада асосига қурилган кўповозли (полифоник) тасвирга интилиш намуналари (Одил Ёқубов романлари), хилма-хил шакл ва услублар синтездан иборат асарлар (Асқад Мухторнинг “Чинор”, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” асарлари) пайдо бўлди. Ҳаётни кенг кўламда тасвирловчи романлар (“Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”) билан баробар турмушни шахс тафаккури призмасидан ўтказиб тасвирловчи интеллектуал романлар, воқеалар изидан борувчи асарлар билан баробар ўй-хаёллар, тасаввурлар асосига қурилган мулоҳаза-тафаккур романлар ҳам яратила бошланди.

Т.Бобоев XX аср ўзбек реалистик асарлари ҳақида тўхталар экан, ҳаёт ва инсон орасидаги муносабатнинг тасвирига алоҳида урғу беради¹⁶, Толстой ва Достоевский қаҳрамонларнинг ички дунёси – “қалб диалектикаси”ни ғоятда чуқур ва атрофлича тасвирлашга муваффақ бўлганликлари, бу – бадий тафаккур тарихининг жиддий ютуғи эканлигини таъкидлайди. XX аср ўзбек реалистик адабиётининг улуғ санъаткорлари ҳам характер билан шароит, инсон билан муҳит ўртасидаги алоқани, ўзаро таъсири очиш борасида катта ғалабани қўлга киритганлари, реализм адабиётида қаҳрамоннинг “қалб диалектикаси”ни очиш ва характер билан шароитнинг ўзаро таъсирини чуқур акс эттириш анъаналари бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганлиги, шу усулда ҳаёт ва инсонни бадий ифодалаш юксак поғонага кўтарилганлиги алоҳида қайд этилади. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби йирик сўз усталарининг асарлари ана шундан гувоҳлик беради.

Жон Стейнбек ижоди XX аср Америка реалистик адабиётида сезиларли ва салмоқли саҳифани эгаллайди. Унинг илк қиссаси “Олтин пиёла”дан

¹⁴ Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти.- Т: Янги аср авлоди, 2005. Б.3.

¹⁵Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. - Т: Ўқитувчи, 1999. Б.62.

¹⁶ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. - Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.31.

бошлаб, охирги “Қайғуларимиз зимистони” романига қадар эришган муваффақиятларининг калити ўзига хос услубида эканлиги Уоррен Френч, Я.Засурский, Клаудия Дўрст Жонсон, Питер Б.Хай, Дебра МакАртур, Рафраф Шакил, Синтия Буркед, С.Батуринов, М.Мендельсон ва А.Мулярчик каби адабиётшуносларнинг тадқиқотларида намоён бўлди. Муаллиф биринчилардан бўлиб жамиятда ёлғиз инсон мағлубиятга маҳкум эканини уқтириб, бирлик ва ҳамфикрлик муваффақият омили эканини “Тортила Флэт”, “Жавоҳир”, “Сичқонлар ва одамлар ҳақида”, “Ғазаб шингиллари”, “Қайғуларимиз зимистони” каби бетакрор асарларида ифодалангани яққол кўзга ташланди.

Одил Ёқубовнинг “Муқаддас”, “Биллур қандиллар”, “Тилла узук”, “Матлуба” сингари қиссалари ва “Диёнат”, “Оққушлар, оппоқ қушлар”, “Адолат манзили”, “Кўҳна дунё”, “Улуғбек хазинаси”, “Осий банда” каби романлари билан XX аср ўзбек адабиётига янги руҳ олиб киргани, асарларининг таъсирчанлигини оширган омиллар ҳаётининг зиддиятларининг реал тасвирида экани, ёзувчининг ижод намуналари ҳаёт тажрибалари маҳсули бўлгани боис юксакликка қадар ривожлангани намоён бўлди.

Умуман айтганда, ҳар иккала адиб машаққатли ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтишди, асарларининг боқийлигини таъминловчи асос ҳам аслида шу ҳаётининг сабоқ ва хулосалар экани жиддий тадқиқ қилинди. Мазкур назарий маълумотлар чоғиштирилиши мақсад қилинган ижод намуналари таҳлилида аҳамиятли экани кузатилди.

Диссертациянинг **“Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубов қиссаларида инсон ва жамият муносабатлари тасвирида услуб ва маҳорат масалалари”** деб номланган иккинчи боби **““The Pearl” ва “Муқаддас” қиссалари бадииятидаги типологик жиҳатлар**”, **““Of Mice and Men” ҳамда “Биллур қандиллар” асарларида инсон тақдирига жамият таъсирининг ёритилиши**”, **“Cannery Row” ҳамда “Қанот жуфт бўлади” қиссаларида инсон ва жамият муносабатлари тасвирланиши**” деб аталган уч фаслдан таркиб топган. Тадқиқотнинг иккинчи боби Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубов қиссаларида инсон ва жамият муносабатлари тасвирида мутаносибликлар, фарқли жиҳатларни чоғиштиришга бағишланади.

Ҳар иккала ижодкор жаҳон адабиётининг ўзининг бетакрор романлари билан бирга, катта эпик асар ифодалаган мазмунни қамраб олган кўплаб қиссалари билан бойитишди. Мазкур қиссалар ўзига хос поэтик хусусиятларга эгалиги, қаҳрамонларининг бой бадиий олами, ҳамоҳанг шакл ва мазмунга эгалиги билан дунё адабиётшунослигида юксак эътирофга сазовор бўлди. Иккинчи бобда “Жавоҳир” ва “Муқаддас”, “Of Mice and Men” ва “Биллур қандиллар”, “Cannery Row” ва “Қанот жуфт бўлади” қиссалари мисолида инсон, унга жамиятнинг таъсири, асардаги қаҳрамонлар динамикаси таҳлилга тортилди.

“Жавоҳир” ва “Муқаддас” қиссалари муқоёса қилинганда, бир қатор ўхшаш қирралар кузатилди. Уларда ифодаланган муштарак мавзулар, тўқнашув турлари, муаллифларнинг хроникали сюжет асосида

қахрамонларининг нафақат зохиран, балки ботиний оламига қадар чуқур кириб боришлари, Хуана ва Муқаддас сингари турли жамият вакилаларининг ўхшаш инсоний фазилатлари, Кино ва Шарифжондаги худбинлик иллоти тасвирланиши асносида инсон қаерда ва қайси ижтимоий синфга таллуқли бўлмасин, одамийлигига хиёнат қилмаслиги, атрофидагиларга нисбатан самимиятини асраб қолиши даркорлиги яққол намоён бўлди.

А.Чехов табири билан айтганда, гоё бадий асар тақдирини ҳал қилувчи негиздир¹⁷. Кўриниб турибдики, Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов ҳам асарларини узоқ кузатувлар, воқеаларни таҳлил қилиш, муаммолар илдизини ўрганиш асосида ёзишди. “Жавоҳир”да Кино ва Хуананинг келажакка ишончидан ажраши, жаҳолатга қарши кураши, “Муқаддас”да Муқаддаснинг аянчли қисмати, Шарифжоннинг адолатсизликка қарши исёни, мустамлака жамият инсон ҳаётини вайрон қилишини акс эттиришади. Шу боисдан, гарчи асар сўнгидаги кулфатлар қахрамонлар хатоси туфайли содир бўлса ҳам, уларнинг тақдирини китобхонни бефарқ қолдирмайди. Аксинча, ўқувчининг қалбида уларга нисбатан ачиниш туғилади. Ҳар иккала муаллиф жамиятдаги маънавий ва ахлоқий муаммоларга ўз муносабатларини шу тарзда ифодалашди. Реалист ёзувчилар қахрамонлари тақдирини тасвирлашда Хуан Томас, Аполония, Доктор, Сулаймон Акрамович, Салим Каримович сингари бир қатор ёрдамчи образларидан фойдаланишди. Улар турли жамиятда яшаб ижод этган бўлсалар ҳам, “Жавоҳир” ва “Муқаддас” қиссаларида ҳамона ҳаёт ҳақиқатини тасвирлашди.

“Of Mice and Men” ҳамда “Биллур қандиллар” қиссаларида ижтимоий муҳит сабаб танг вазиятда қолган ва тақдирини тубдан бурилишга юз тутган Жорж, Лэнни, Ҳикматилла, Нилуфар, Бегимқул сингари бир қатор қахрамонларнинг аччиқ қисмати тасвирланади. П.Шермухаммедовнинг фикрича, тасвирда ҳаққонийликка риоя қилиш адабиётнинг асосий қонунларидан бири бўлиб, у салгина бузилса, қахрамонга нисбатан китобхоннинг эътиқоди пасайиши тайин¹⁸. Шу сабабли ёзувчи қайси мавзуга мурожаат қилмасин, аввало, тасвир ҳаққонийлигига риоя қилмоғи лозим эканини мунаққид таъкидлайди. Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов қиссаларида тасвирдаги ҳаққонийликни таъминлаш билан бир қаторда, инсон дардлари, ижтимоий муҳитнинг унга таъсирини имкон қадар батафсил акс эттиришди.

Инсон танҳо ҳаракат қила олмаслиги, атрофидагиларнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим экани ҳар иккала ижодкор ифодалаган муштарак гоёнинг асосини ташкил этади. Стейнбек ижтимоий муҳитга сингиб кета олмагани туфайли яқин инсони томонидан ўлимга маҳкум этилган Лэнни образини орқали жамиятнинг инсонларга таъсирини ифодалайди. “*Guys like us, that work on ranches, are the loneliest guys in the world. They got no family. They don't belong no place. They come to a ranch an' work up a stake and then they go into town and blow their stake, and the first thing you know they're poundin' their*

¹⁷ Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – В.122.

¹⁸ Шермухаммедов П. Давр – қахрамон тақдирини. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 44.

tail on some other ranch. They ain't got nothing to look ahead to"¹⁹. Муаллиф жамият чигалликлари, инсон шаъни ва қадри топталиши, инсоний фазилятларнинг оёқости қилиниши каби муаммолар ҳамда синовлар аксинча бир гуруҳга мансуб одамларни бирлаштиришини Жорж ва Лэнни қаҳрамонлари тақдири мисолида тасвирлайди. Одил Ёқубовнинг “Биллур қандиллар” қиссасида ҳам шунга ўхшаш вазиятга дуч келамиз. Энг оғир дақиқада дўстига панд берган Бегимкул сингари инсонлар жамиятга хавф солувчи куч экани, иложсиз ва танг аҳволда қолган Ҳикматиллага ёрдам қўлини чўзган Нилуфардек қизнинг тақдири ҳам китобхонни мушоҳада қилишга, тегишли хулоса чиқаришга чорлайди.

Адиблар турли вазият ва шароит оқибатида вужудга келган ижтимоий муаммоларни ёритишиб, бундай ҳаётий ва ҳаққоний масалаларнинг акс эттирилиши ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган инсонийлик, меҳр, оқибат каби туйғулар чин маънода инсонни яшашга ундовчи куч эканини исботлаб беришди. Ушбу ҳақиқат Кэнди, Крукс ва Ая сингари қаҳрамонлар тақдири тасвирида намоён бўлди.

“Cannery Row” ва “Қанот жуфт бўлади” қиссалари ёзувчиларнинг ҳаётий тажрибалари маҳсули бўлиб, Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов уларда инсон ва жамият муносабатларини ёрқин чизгиларда сўз билан тасвирлашди. Америкадаги бир кўча ёки Ўзбекистондаги қафтдек қишлоқда истиқомат қиладиган одамлар тақдири мисолида инсонларни бирлаштирувчи меҳр, оқибат, қариндошлик ва қўшничилик ришталарининг моҳиятини тубдан очиб беришди. Буни Док ва унинг қўшнилари, Акрам ва Сайёранинг қариндошлари, ёр-дўстлари билан муносабатларида ифодалашди. Қиссаларда инсон ва жамият муносабатларига алоҳида урғу берилади. Уларда қаҳрамонларнинг ҳаётидаги бир қатор зиддиятлар, теварагидаги кишилар боис турмуши ачинарли аҳволга келиб қолган аёллар, болаларни кўрамиз. “Cannery Row”да Дора ва Фрэнки, “Қанот жуфт бўлади”да Сайёра, Ҳамида каби қаҳрамонларнинг чигал вазиятларда қолиши, атрофидаги одамларнинг уларга муносабати мисолида ёзувчилар реал ҳаётда учратган кўплаб содда ва самимий инсонлар тақдирини ёритишди. Оила, қўшничилик, қариндошлик алоқалари тасвири ёрдамида одамларнинг бир-бирларига ижобий ҳамда салбий таъсирларини акс эттиришди.

“Cannery Row” қиссасида Фрэнки исмли болакайнинг аянчли тақдири инсон ва жамият муносабатларининг тасвирланишига яққол мисол бўла олади. Қиссадаги барча қаҳрамонлар Докни хурсанд қилиш, унинг яхшиликларига жавоб қайтариш илинжида ҳаракат қилишади. Шу мақсад уларни бирлаштириб туради. Ҳатто ёшгина Фрэнки ҳам Докка ёқимли совға бериш мақсадиди бронза ҳайкалчали соат ўғирлайди. Оналик масъулиятидан воз кечган она барча айбни Докка ағдаради. Муаллиф шу ўринда умуман қариндошлик алоқаси ҳам бўлмаган инсоннинг болага кўрсатаётган муносабатини тасвирлайди. Докнинг қанчалик самимий ва меҳрибон эканини

¹⁹ https://telegram.me/eng_books

акс эттиради. *“Frankie,” he said, “why did you take it?” Frankie looked a long time at him. “I love you,” he said.*²⁰ Стейнбек – тасвирда ихчам муаллифлардан. Боланинг биргина кўз қараши ва “сизни яхши кўраман” дейишида бутун одамийлик хислатлари акс этади. Вояга ҳам етмаган, ақлан ривожланиб улгурмаган, аммо унинг учун қайғурадиган тирик онаси бўла туриб, ҳаётнинг шафқатсизлиги олдида нажот кутиб турган бу боланинг тақдири ҳар бир қалбни ларзага келтиради. Манфаатларга қурилган жамиятда аслида инсонларни бирлаштирувчи, уларни эзгуликка етакловчи куч инсоний меҳр экани муаллиф томонидан ёрқин рангларда тасвирланади. Биргина кўчада истиқомат қилувчи инсонлар муносабатлари катта шаҳарда бир-биридан ҳатто самимий сўзини аяйдиган кишилар тасвирига қарши қўйилади.

“Қанот жуфт бўлади” қиссасида ҳам инсонни фақат меҳр, оқибат ва самимийлик эзгуликка чорлай олишининг гувоҳи бўламиз. Бу нафақат бош қаҳрамонлар тақдири мисолида, балки уларнинг атрофидаги инсонлар билан ришталари ёрдамида тасвирланади. Айниқса, Акрамнинг камтарлиги, софдиллиги ва ҳалоллиги унинг Туробжон, Зафар ва Султон билан суҳбатларида, Одил Ёқубов услубига хос бўлган ички монологларда ўз аксини топади. *“Акрам яна беихтиёр кулимсиради. Афтидан, бу одам билан баҳслашиб ўтиришининг фойдаси йўқ, у Акрамнинг нияти пок эканини, бу ишни мансаб учун эмас, чинакам истеъдодли одамга йўл бериш учун қилаётганини тушунишга қодир эмас эди! У кўзига курси билан мансабдан бошқа ҳеч нарса кўринмайдиган одамлар тоифасидан эди!*²¹” Султоннинг манфаатпарастлигини англаган Акрам Зафарнинг ҳаёт пиллапояларида чилпарчин бўлишини эмас, аксинча, ўз ўрнини топишида катта ҳисса кўшади. Юриш-туриши, важоҳати ва ортиқча бино қўйиши билан “Диёнат” романидаги раис Отақўзи Умаровни эслатувчи Туробжоннинг ҳам тубанликка юз тутаётгани, ўзини англаб, тўхтата олишида Акрам ва Сайёранинг ҳаракати муҳим ўрин тутади. Улар ўзлари билмаган ҳолда унда инсоний хислатлар сақланиб қолишида сабабчи бўлишади.

Асарларнинг бадийлигини таъминловчи мезонлардан бири ҳаққонийлик эканлиги бежиз эмас. Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов қиссаларининг муваффақият калити ҳам ана шунда бўлди. Ижодкорлар қаҳрамонлари ва воқеаларни сунъийлаштиришга уринишмади. “Қанот жуфт бўлади” қиссасида Акрам ва Сайёра, шунингдек уларнинг атрофига жамланган одамларнинг муносабатлари ҳаққоний, борича ва ҳеч қандай безакларсиз тасвирланди. Шу боисдан, китобхон Сайёранинг баъзи ҳаракатларидан жаҳли чиқиб тутақиб кетса, қисса сўнгидаги жасоратидан у билан фахрланади, Акрамнинг Сайёрага туширган тарсакисидан хафа бўлса, унинг дил туғёнлари билан яқиндан танишгач, унга ҳамдард бўлиб қолади, Ҳамиданинг иложсиз вазиятида у билан бирга дили хуфтон бўлади,

²⁰ <https://www.6lib.ru/books/Cannery-Row-198401.html>

²¹ Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. Сайланма. Иккинчи жилд. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б. 509.

Туробжоннинг манфаатпарстлигидан асабийлашади, Амакининг соф инсоний сўзларидан ғурурланади. Муаллиф илгари сурган ғоя ана шуларнинг моҳиятига сингдирилганлигини, беихтиёр ёзувчи чиқарган хулосага келганлигимизни тан оламиз. Жон Стейнбек ҳам Докнинг одамохунлигида, Доранинг олижаноблигида, Ли Чонгнинг сахийлигида, Фрэнкининг аянчли тақдирида, Мэк ва дўстлари турмуш тарзининг моҳиятига асл бадий ниятини сингдириб юборади.

Хулоса қилиб айтганда, адибларнинг инсон ва жамият муносабатларида яқдил эканлари ойдинлашди. Буни улар тасвирлаган қаҳрамонлари тақдирига нисбатан чиқарган хулосаларида кўриш мумкин.

Диссертациянинг **“Жон Стейнбек ҳамда Одил Ёқубов романларида қаҳрамон тасвири ва талқинидаги муштараклик ва ўзига хосликлар”** номли учинчи боби **““The Grapes of Wrath” ҳамда “Диёнат” романларида қаҳрамон характери шаклланишида жамиятнинг ўрни”, ““East of Eden” ҳамда “Оққушлар, оппоқ қушлар” романларида қаҳрамонлар хулқ-атворида жамият фикрининг таъсири”, ““The Winter of Our Discontent” ҳамда “Адолат манзили” романларидаги муштарак жиҳатлар”** деб номланган уч фаслдан таркиб топган.

